



ЎН ИККИ БАРМОҚЛИ ИЧАК ШИЛЛИҚ ҚАВАТИ ВОРСИНКАЛАРИ ХУЖАЙРАЛАРИНИНГ НОРАЦИОНАЛ ОҚСИЛЛИ ОВҚАТЛАНИШ ТАЪСИРИДАГИ МОРФОМЕТРИК ЎЗГАРИШЛАРИ

Алибеков К.А

педиатрия факультети 1-курс талабаси

М.А.Хайдаров

О.О.Алибеков.

Илмий рахбар, Патологик анатомия
ва суд тиббиёти кафедраси

Илмий иш мақсади: норационал оқсилли овқатланишда ўн икки бармоқли ичак (12 б.и.) шиллиқ қавати ворсинкалари эпителиоцит ва қадахсимон хужайраларида мосланиш жараёнларида кечаётган гистологик ўзгаришларни аниклаш.

Рационал овқатланиш бузилиши натижасида организмнинг аъзо ва тўқималарида келиб чиқадиган патологик ҳолатлар асосида оқсил, ёғ, витаминлар ва микроэлементлар миқдорининг етишмаслиги ёки ортиб кетиши муҳим ўрин эгаллайди (М.С.Абдуллахўжаева 2001).

Материал ва методлари: Бунинг учун бир ойгача умумий тана вазни 120-160 граммли, 100 дона жинсий жиҳатдан етук, эркак, оқ каламушларда тажрибалар олиб борилди. Тажриба давомида турли муддатда тажриба хайвонлари жонсизлантирилиб, 12 б.и. тўқимасидан гистологик препаратлар тайёрланди, улар гематоксилин-эозин бўёғи ва Ван-Гинзон усули билан буялди. Морфометрик теширувлар олиб борилди, шиллиқ қават ворсинкалари эпителиоцит ва қадахсимон хужайралари кўрсаткичлари ўрганилди.



Илмий иш натижалари: Назорат ҳайвонлари 12 б.и. девори шиллиқ қават ворсинкаларини қопловчи призматик жиякли эпителий хужайраларини сони 33,2 +1,4 бўлиб, улардан қадахсимон секретор хужайралар сони 8,3 +1,2та ва жиякли эпителийлар сони 25,8 +1,7тани ташкил этди. Жиякли эпителийлар баландлиги 29,3 +2,2 мкмга тенг бўлди.

Тажрибани 1-кунида 12 б.и. ворсинкалар деворидаги хужайралар сони 31,4 +5,2тани ташкил этиб, улардан қадахсимон хужайралар 9,2 +3,1та ва жиякли эпителийлар баландлиги 22,1 + 6,2мкмга тенг бўлди.

Етти кунлик оқсилли юклама тажриба ҳайвонларида ворсинкалар деворидаги эпителий хужайралар сони эса 30,2 +7,4тани ташкил этиб, улардан қадахсимон хужайралар 9,7 +5,2 та, жиякли эпителий хужайралар сони эса 21,2 + 7,4та бўлди. Энтероцитлар баландлиги 25,4 +2,4 мкмни ташкил этди.

Оқсил юкламани 15- кунида ворсинкалар деворидаги хужайралар сони 27,6 +2,6 тани ташкил этиб, улардан қадахсимон хужайралар сони 10,2+3,4 та ва жиякли эпителийлар сони 17,2 +2,6 та, жиякли эпителиоцитлар баландлиги 21,2 +2,1мкмга тенглиги аниқланди.

Тажрибани 30 – кунида ворсинкалар деворидаги эпителиоцитлар сони 25,2 +2,7та ни ташкил этиб, улардан қадахсимон хужайралар сони 11,2+3,4 тага ортганлиги, жиякли эпителийлар сони эса 14,7 +2,1тани ташкил этганлиги, уларнинг баландлиги 19,6 +2,1мкмга тенглиги аниқланди.

Хулоса: Озуқа махсулотлари таркибида оқсил миқдорини кўп бўлиши ва уларни хар куни истеъмол қилиш ўн икки бармоқли ичак шиллиқ қавати ворсинкаларида энтероцитлар сони, баландлиги камайишига ва ворсинкалар баландлиги қисқаришига олиб боради бу эса сўрилиш жараёнларини секинлашганлигидан далолат беради.